



Албатта, Аллоҳ золимга муҳлат бериб қўяди. Аммо уни бир тутганда, қўйиб юбормайди

Абу Мусо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта, Аллоҳ золимга муҳлат бериб қўяди. Аммо уни бир тутганда, қўйиб юбормайди», дедилар ва «Роббинг золим шаҳарларни ушлаганида, ана шундай ушлайди. Албатта, Унинг ушлаши аламли ва шиддатлидир» (ояти)ни тиловат қилдилар». [Ҳуд: 102]

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда осийлик, ширк ва инсонларга зулм қилишдан огоҳлантирмоқдалар. Аллоҳ таоло золимга муҳлат бериб, молини ва умрини узун қилиб қўяди ва жазосини тезлаштирамайди. Агар тавба қилмаса, уни зулми кўп бўлгани учун ушлайдида қўйиб юбормайди ва тарк ҳам қилмайди. Сўнгра Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Роббинг золим шаҳарларни ушлаганида, ана шундай ушлайди. Албатта, Унинг ушлаши аламли ва шиддатлидир» (ояти)ни ўқидилар». [Ҳуд: 102]

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5811>

